

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2998,5 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 36 минг кишига ёки 1,2 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-сентябрда қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016 йил	2017 йил ¹⁾	Ўсиш, камайиш (-)	2016 йил	2017 йил ¹⁾
Туғилганлар	50128	49280	-848	22,9	22,1
Ўлганлар	10601				
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	726	799	73	6,8	6,7
Табиий ўсиш	39527	37525	-2002	18	16,8
Никоҳлар	14667	15955	1288	6,7	7,2
Ажралишлар	2222	2418	196	1,0	1,1

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-сентябрда туғилганлар сони 49280 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (50128 киши) нисбатан 848 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 22,1 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (22,9 промилле) нисбатан 0,8 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг нисбатан кўпроқ камайиши вилоятнинг Хўжаобод (22,5 дан 22,3 промиллега), Шахрихон (24,1 дан 23,3 промиллега) туманлари ва Андижон шаҳрида (21,5 дан 21,3 промиллега) кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-сентябрда ўлганлар сони 11755 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (10601 киши) нисбатан 1154 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 5,3 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-сентябрда 4,8 промилле).

Ўлим кўрсаткичининг 2016 йил январь-сентябрда даврига нисбатан кўпайиши мазкур даврда вилоятнинг Хонобод (3,3 дан 4,9 промиллега), Андижон (4,8 дан 5,3 промиллега)

¹⁾ дастлабки маълумот

шаҳарлари, Олтинкўл (4,7 дан 4,9 промиллега), Қўрғонтепа (4,7 дан 5,0 промиллега), Пахтаобод (4,7 дан 5,2 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 6691 та (63,1 фоизи), бахтсиз ҳодисалардан: 481 та (4,5 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан: 421 та (4,0 фоизи), ҳазм қилиш органлари касалликларидан 570 та (5,4 фоизи), ўсмалардан 814 та (7,6 фоизи) ва юқумли касалликлардан 179 та (1,7 фоизи) бошқа касалликлардан: 1301 та (12,2 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябр ойларида бир ёшга тўлмаган 799 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 15,8 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-сентябрда 14,3 промилле).

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан: перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 484 та (60,6 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 147 та (18,4 фоизи), туғма аномалия ва ривожланишдаги нуқсонлардан 91 та (11,4 фоизи), қолган касалликлардан 52 та (6,5 фоизи) вафот этган.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-сентябр ойларида ФХДЁ органларида 15955 та никоҳлар ва 2418 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,2 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 6,7 та) ва 1,1 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида 1,0 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 4736 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 6242 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1506 киши (2016 йилнинг шу даврида минус 1280 киши)га тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Андижон шаҳар (минус 202), Шахрихон (минус 361), Хўжаобод (минус 198) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-сентябрда қуйидагича ифодаланади:

Хар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 7 фоизга кўпайиб, 1720,6 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 20403 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Жалақудуқ (1484 киши), Избоскан (1529 киши), Қўрғонтепа (2088 киши), Мархамат (1829 киши), Хўжаобод (1220 киши) ва Олтинкўл (1675 киши) туманларида бошқаларига нисбатан кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 18435 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Жалақудуқ (1428 киши), Избоскан (1422 киши), Қўрғонтепа (2072 киши), Мархамат (1471 киши), Хўжаобод (1091 киши) ва Олтинкўл (1653 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 1392 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони куйидагича ифодаланади:

(киши)

